

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
21-fevral
SHANBA
№ 15 (13876)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24



Haqiqat online



haqiqatonline_

▼ Оилавий тадбиркорлик



Миллий либос - ўзликка хос

Миллий либослар нафақат халқимизнинг ташқи кўркини, балки маънавий мафкурамизни, тарихий илдизларимизни ва жаҳон тамаддунида тутган ўрнимизни яққол намоян этади. Ўзбек миллий либослари асрлар давомида шаклланиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда замонавий услублар билан уйғунлашиб бормоқда. Айниқса, миллий мато ва нақшлардан фойдаланиб яратилган замонавий кийимлар ёшлар орасида кенг оммалашаётгани кувонарли ҳолдир.

▼ Президент таърифидан сўнг...

Маълумки, барча тармоқ ва соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этишнинг аҳамияти катта. Юқори кучлишлик кабеллар электр энергиясини қисқа туташувлардан ҳимоялаган ҳолда узоқ масофаларга кам йўқотишлар билан узатиши ҳисобига самарали саналади.

ОҲАНГАРОНДАН ЕВРОПАГА

Айни йўналишда фаолият бошлаётган "Enco Group" корхонаси Беларус давлатининг "EnergoKomplekt" корхонаси билан ҳамкорликда "Elitech Industrial" технопарки ҳудудидаги 21 гектар майдонда ташкил этилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни Оҳангарон туманида фаолият юритувчи юқори кучлишлик кабель ишлаб чиқарувчи корхона – "Enco Group"га таъриф буюрди.



– Корхонамиз лойиҳаси икки босқичдан иборат бўлиб, тўлиқ ишга тушган, 600 га яқин иш ўрни, қарийб уч юз миллион долларлик экспорт қуввати яратилади, – деди "Enco Group" корхонаси таъсисчиси Азиз Алимов. – Айни пайтда қурилиш ишларининг биринчи босқичи 98 фоизга яқунланган, 10 миллион доллардан ортиқ инвестиция ўзлаштирилган. Корхона маҳсулотларини Германия, Латвия, Эстония, Болгария ва МДҲ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йиллик экспорт ҳажми 140 миллион долларга етиши тахмин қилинмоқда. Асосий мақсадимиз – бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Европа бозорларига йўналтириш ва бу орқали дунёнинг глобал етказиб бериш занжирига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кенг жалб қилиш. Давлатимиз раҳбарига корхона лойиҳалари ва амалга оширилаётган ишлар юзасидан тақдимот қилдик.

Шунингдек, корхонамизда йилдан-йилга соҳа қамровини ошириб, юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият қаратмоқдамиз. Муносиб кадрлар танлашда учта йўлимиз бор эди. Чет элдан тайёр кадрларни олиб келиб фойдаланиш, ўзимизда узоқ муддат шу соҳада ишлаганларни жалб этиш ва айни йўналишда таълим олаётган талабаларни таклиф қилиш. Биз талабаларни жалб этиш орқали ёшларнинг амалий билимлари ошишига кўмаклашамиз ва шу аснода муносибларни иш билан таъминлаб бораемиз. Шу орқали корхонанинг ўз мактабини шакллантириб, сафимизга қабул қилинган ёшлардан кучли мутахассислар тайёрлаймиз.

Дарҳақиқат, рақамларга таянадиган бўлсак, ўтган йили юртимизга 300 миллион доллардан ортиқ юқори кучлишлик кабель маҳсулотлари ва изоляцияланган мис шиналар импорт қилиб олиб келинган. Корхона тўлиқ ишга тушиши натижасида эса 150 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бозордаги таннарх сезиларли даражада пасайиши айтилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бу каби корхоналар Марказий Осиёда ўн иккита бўлиб, шундан тўрттаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келмоқда.

Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎЗА



Viloyat bo'ylab

Mahallalarda yoshlar bilan ishlash bo'yicha Respublika komissiyasi ishchi guruhi TOSHKENT viloyatida yoshlar siyosati sohasida amalga oshirilayotgan ishlar holatini chuqur o'rganish, yigit-qizlarning tashabbus va loyihalarini qo'llab-quvvatlash, ularga amaliy yordam ko'rsatish hamda qator ijtimoiy loyihalarni va tadbirlarni tashkil etish yuzasidan kompleks o'rganishlar olib bormoqda. Jarayonda yoshlar bilan ochiq muloqotlar, uchrashuv va amaliy suhbatlar tashkil etilmoqda.

YANGIYO'L tumanida viloyat hokimi o'rinbosari, Oila va xotin-qizlar boshqarmasi boshlig'i N.Normirzayeva sayyor qabul o'tkazdi. Unda xotin-qizlarning kommunal xizmatlar, uy-joy, bola puli, moddiy yordam, kasta, tibbiy xizmat, aliment va tadbirkorlikni yo'lga qo'yish hamda imtiyozli kredit olish bilan bog'liq murojaatlari atroficha ko'rib chiqildi. Ayrim masalalar tegishli mutasaddi rahbarlar ishtirokida ijobiy hal qilindi.

OLMALIQ shahridagi "Olmaliq KMK" AJ tasarrufidagi sport majmuasida "Barkamol avlod – 2026" musobaqasi doirasida voleybol bo'yicha (qizlar o'rtasida) respublika bosqichining tantanali ochilish marosimi bo'ldi va bellashuvlarga rasman start berildi. Tadbirda viloyat Sport va Kasbiy ta'lim boshqarmasi mas'ullari, Olmaliq KMK rahbariyati, sportchilar hamda keng jamoatchilik vakillari ishtirok etishdi.

YANGIYO'L shahrida zamonaviy futbol maydonchasi foydalanishga topshirildi. Ochilish marosimida so'zga chiqqanlar mazkur futbol maydonchasi yosh avlodning jismoniy rivojlanishiga xizmat qilishi, shuningdek, sog'lom turmush tarzini shakllantirish hamda iqtidorli futbolchilarni kashf etishda muhim ahamiyatga egaligini ta'kidlashdi.

YUQORI CHIRCHIQ tumanida o'quvchi-qizlar o'rtasida futbol bo'yicha "Vazir kubogi" musobaqasining viloyat bosqichi o'tkazildi. Unda 7–11-sinf o'quvchi-qizlaridan iborat 287 ta jamoa (jami 4 ming 494 nafar ishtirokchi) qatnashdi. Bellashuvlar yakuniga ko'ra, g'olib bo'lgan Yuqori Chirchiq tumani jamoasi musobaqaning Surxon-daryo viloyatida bo'lib o'tadigan respublika bosqichida qatnashish huquqini qo'lga kiritdi.

Манзиллар обод – кўнгиллар шод



▼ Бунёдкорлик

Бўка туманидаги оғир тоифага киритилган "Кўлдоттепа" ва "Навобод" маҳаллаларида "Обод маҳалла – обод кўча – обод хонадон" мезонлари асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари якунланиб, янги объектлар фойдаланишга топширилди.

кистон қиёфасини олиб кириш, замонавий маҳалла марказларини ташкил этиш ҳақидаги Президентимиз топшириқларининг амалий ифодаси бўлиб, Республика ишчи гуруҳи томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда прокуратура органлари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Хусусан, "Навобод" маҳалласи идораси ва тиббиёт пункти тўлиқ реконструкция қилиниб, ёнида кутубхона ва айвон қурилди. Хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида тикувчилик маркази ташкил этилди.

Шунингдек, турли савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган "Замонавий маҳалла маркази" барпо этилди.

Ёшларни спортга кенг жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ёпиқ мини-футбол майдончаси – "Навобод арена", баскетбол ва волейбол майдончалари ҳамда "Workout" майдони қуриб битказилди.

Ушбу бунёдкорликлар маҳаллаларнинг ижтимоий муҳитини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ҳудудни замонавий қиёфага келтиришга хизмат қилади.

Тадбирлар доирасида аҳоли билан учрашувлар, нурунийлар билан самимий суҳбатлар ташкил этилди. Шунингдек, йиғилганлар иштирокида кўчат экиш акцияси, спорт марафони ўтказилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ДАВОМ ЭТМОҚДА

▼ Рўйхатга олиш – 2026

Хабарингиз бор, мамлакатимизда аҳоли ва кишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг иккинчи босқичи – хонадон-ма-хонадон юриб рўйхатга олиш жараёнлари давом этмоқда.

Маълумотларга қараганда, биринчи босқичда – онлайн рўйхатдан ўтиш жараёнлари белгиланган муддатларда ўтказилди ва унда республикада мавжуд жами хонадонларнинг 82,3 фоизидан истиқомат қилувчи 30 миллиондан ортиқ аҳоли рўйхатдан ўтди.

2



▼ Бир мурожаат изидан

Расмий ҳисоботларда тез-тез “Мурожаат ижобий ҳал этилди”, “Моддий ёрдам ажратилди” каби жумлаларга кўзимиз тушади. Қоғозда у бор-йўғи бир қатор жумла. Аммо шу бир қатор ортида баъзан бутун бир оиланинг тақдирини, она кўз ёши ва боланинг ҳаёти акс этиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Янгийул шахрининг “Файзли” маҳалласида истиқомат қиладиган Муборак Жавҳарованинг ҳаёти бунга яққол мисол.



“ҚАБУЛЛАРДА ҚАЛБАКИ ГАП ЙҮҚ ЭКАН...”

муаммоси ҳал бўлган аёлнинг ҳулосаси шу

Муборак опа учун сўнги йиллар оддий тақвим билан эмас, боласининг аҳоли билан ўлчанади. 2019 йилда унинг ўғли Али Муроталиев даун синдроми билан туғилди. Бу тахшиқ шунчаки тиббий ҳулоса эмас, балки узок йиллик парвариш, доимий назорат ва катта харажатларни талаб этадиган ҳаёт тарзи дегани.

— Фарзандимнинг туғилганидан кейинги даври анча қийин ўтди, — дейди Муборак опа. — Уч ёшигача иситмаси 38-39 даражадан тушмади. Шифокорлар қанча уринишмасин, сабабини топа олишмади. Иссинини туширмасдан туриб ҳеч қандай муолажа бошлашнинг имкони йўқ. Ўшанда нима қилишни, кимга боришни билмай аросатда қолдим.

2022 йил пандемия даврида юртимизга хориждан имунитетни кўтарадиган дори воситаси кириб кела бошлади. Шифокорлар бу боланинг иссинини туширишда анча самарали эканлигини айтишади. Она рози бўлгач муолажа бошланди. Қисқа вақтда боланинг иситмаси меъёрлашди. Шундан кейингина тўлиқ даволаш жараёнларини бошлашга имкон бўлди. Бироқ, моддий қийинчилик бунга тўсқинлик қиларди.

Ўшанда Алидан ташқари ҳам оғир бемор бор. Бу унинг отаси Алишер ака. У узок йиллардан бери мия энцефалопатияси касаллиги билан хасталанган. Бу дард инсоннинг меҳнат қобилиятини чеклайди, доимий парвариш ва назорат талаб қилади. Оилада ягона даромад топувчи инсон эса Муборак опа. У Янгийул тумани давлат санитария марказида лаборант бўлиб ишлайди, ойлик маоши рўзгорга зўрга етади. Бундан ташқари, сиртки бўлим талабаси сифатида ўқишни ҳам давом эттирмоқда. Контракт тўлови, дори-дармон, текширувлар, кундалик харажатлар — бари унинг зиммасида.

У боласини даволатиш учун қарз-ҳавола қилиб, илк муолажаларни бошлади. Аммо бу узокқа чўзилмади. Бир тарафда боланинг саломатлиги, иккинчи тарафда контракт тўлови. Шундай палларда ўқишни ташлаш ҳақида ўйлади ҳам. Лекин бундай қилиш орқали йиллар давомидаги меҳнат ва келажак режаларини йўққа чиқаришни англаб, фикридан қайтиб, давлатдан моддий ёрдам олишга ҳаракат қила бошлади.

Муборак опа кўмак сўраб аввал маҳаллага мурожаат қилди. Лекин “Ҳозирча имконият йўқ”, “Навбат кутиш керак” каби жавоблар билан қайтди. Шунда охириги чора сифатида вилоят ҳокими қабулига боришга қарор қилди.

Сухробжон САДИРОВ

— Тахминан икки йил аввал Зойир Мирзаевнинг сайёр қабулига бориб, тўлов-контрактим учун моддий ёрдам сўраганим, — дейди Муборак опа. — Вилоят ҳокими оилавий ҳолатимни ўрганиб, менга 18 миллион сўм ажратгандилар. Бу ёрдам талабаликни давом эттиришимга имкон берган эди. Ўшанда Зойир Тоировичнинг нечоғлик халқларвар эканлиқларига амин бўлгандим.

Бироқ бу ёрдам билан оила мушқули осон бўлиб қолмади. Алининг даволашни курсини давом эттириш керак эди. Оила даромади эса ўша-ўша. Муборак опа нима қилишни билмай яна вилоят ҳокимига мурожаат қилишга мажбур бўлди. 2025 йилнинг октябр ойида ўтказилган онлайн қабулда у фарзандини даволатиш учун моддий ёрдам сўради. Ҳолат ўрганилиб, 30 миллион сўм ажратиш бўйича қарор қабул қилинди ва қисқа фурсатда маблағ тўлаб берилди.

— Баъзан кўча-кўйда сайёр қабуллар фақат расмийлик учун, барибир муаммони ҳал қилиб бермайди, деган гапларни эшитиб қолардим, — дейди М. Жавҳарова. — Лекин икки бор сайёр қабулда бўлиб шу нарсага амин бўлдимки, ёрдамга муҳтож бўлган инсоннинг мурожаати ҳеч қачон эътиборсиз қолдирилмас экан. Айнан уларнинг кўмаги сабаб фарзандимни даволатиш, таълим жараёнини давом эттиришга имконим бўлди. Бунинг учун вилоят ҳокимига раҳмат айтаман.

Зарур бўлган маблағ тўлаб берилгач, муолажа тизимли йўлга қўйилди. Натияжалар эса секин-асета сезила бошлади: ўзи мустақил юришни, ўтириб-туришни бошлади. Бу кичик ҳаракатлар эса оила учун йиллар давомида кутилган онлар эди. Муборак опа “Ўғлим юриб кетса бўлди”, деб орзу қиларди. Бугун у шу орзунинг рўёбга чиқаётганини кўриб, барча қийинчиликларини унутатганини айтади.

Юқоридаги ҳолат минглаб ҳал этилган мурожаатлардан бир мисол ҳол. Кўришимиз мумкинки, ижтимоий ҳимоя, давлат кўмаги ёки моддий ёрдам деган тушунчалар қуруқ расмийлик эмас. Улар ўз вақтида манзилига етса, инсон ҳаётини ўзгартира олади. Биз кўпгина ҳисоботлардаги рақамларга бефарқ қараймиз, сайёр қабуллар ҳисобот учун ўтказилди, деган фикрда юрамиз. Аммо, унутмаслик керакки, ҳар бир мурожаат ортида Муборак опага ўхшаган она, Алига ўхшаган болаларнинг тақдирлари бор. Мурожаатлар вақти келиб унутилар, лекин кўрсатилган ёрдам хотирада қолади.

Иккинчи босқич доирасида, 2026 йилнинг 4-28 февраль кунлари рўйхатга олувчилар — яъни маҳалла этилиги вакиллари хонадонма-хонадон юриб, онлайн рўйхатга олиш босқичида иштирок этмаган ёки саволномаларни хато ва камчиликлар билан тўлдирган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни планшет қурилмалари орқали электрон тизимга киритмоқдалар.

Вилоятимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ишлари қай даражада кетмоқда? Бу жараёнда нима-маларга аҳамият бериш керак? Шу каби саволларга Тошкент вилояти Статистика бошқармаси бўлим бошлиғи Урол Сатторов жавоб берди.

— Аҳоли орасида рўйхатга олиш нима учун керак, деган савол ҳануз баҳсли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айтингчи, мазкур жараён аҳолига қай жиҳатдан манфаатли?

— Аҳолини рўйхатга олиш аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби, яшаш шaroити ҳамда хориждаги ҳаракатлари ҳақида тўлиқ тасвири беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилати аҳолини камида ҳар 10 йилда бир марта рўйхатга олишни тавсия қилади. Бу эса миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ривожланишни режалаштириш учун асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Масалан, аҳоли рўйхатини юритувчи идораларда рўйхатга олинган жой (прописка) маълумотлари бор, аммо аслида кўпчилик бошқа манзилда ёки чет давлатларда яшаш мумкин. Сайловчилар рўйхатлари ҳам тўлиқ эмас: овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаганлар ҳисобга олинмаган. Аҳолини рўйхатга олиш эса ана шу камчиликларни барта-раф этади.

Ногиронликни олиш ва тасдиқлашдаги барча қийинчиликларни ҳисобга олinsa, аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистонда ногиронликнинг реал воқеликка яқинроқ манзарасини очиб бериши ва тиббий-ижтимоий экспертиза сиёсатини ўзгартириши мумкин. Шу билан бирга, тўлиқ рўйхатга олиш шакли даромад манбалари бўлишида саволни ўз ичига олади. Ушбу саволга жавоб вариантларидан бири — “ногиронлик нафақаси” — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳақиқий сонини ижтимоий таъминотни тақдим этувчи органларнинг маълумотлар базаси билан солиштириш имконини беради.

Масалан, мактаб ёшидаги болалар сони ҳақидаги маълумотлар мактаб куриш бўйича режаларни мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Худудлар кесимида қарерда ва қайси соҳада янги иш ўринларига эҳтиёж мавжудлиги, қандай мутахассислар кераклигини билиш учун ишсизлар сони ва уларнинг малака даражасини аниқлаш лозим. Факулда ҳолатларда ФВВ ходимлари, шунингдек, шифокорлар аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида зарур ёрдам кўламини белгилайди.

Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш тадбиркорлик ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аҳоли сони ва даромади, унинг тураржойга эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда, масалан, маиший техника ишлаб чиқарадиган корхоналар маҳсулот ҳажмини прогноз қилиши, уларни импорт қилувчи компаниялар эса харидларни режалаштириши ва зарарни минималлаштириши мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш макроиктисодий кўрсаткичларни келгуси 10-20 йиллик даврга прогноз қилиш учун ҳам зарур. Статистик маълумотлар манзил-

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

ли дастурларни ишлаб чиқиш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, оила ҳақида моддий кўмаклашишда муҳим аҳамиятга эга.

— Иккинчи босқичда бевосита регистраторлар уйма-уй юриб рўйхатга олишмоқда. Биринчи босқичдан рўйхатдан ўтганларнинг хонадонига ҳам бориладими?

— Айрим ҳолатларда биринчи босқичда онлайн рўйхатдан ўтиб, сертификат олган фуқаролар хонадонига ҳам регистраторлар ташриф буюриши мумкин. Бу онлайн саволномада маълумотлар хато ёки камчиликлар билан киритилгани билан боғлиқ бўлади. Айни пайтда рўйхатга олиш учун жорий этилган махсус ахборот платформаси барқарор ишламоқда. Саволномалар маҳалла вакиллари томонидан аҳоли хонадонларига бевосита борилган ҳолда тўлдирилиб, барча маълумотлар электрон шаклда ахборот базасига киритилмоқда. Рўйхатга олувчилар, энг аввало, онлайн рўйхатдан ўтмаган фуқаролар, шунингдек, биринчи босқичда саволномани тўлиқ ёки тўғри тўлдирмаган аҳоли хонадонларига ташриф буюрмоқда. Рўйхатга олувчи-

раён интернетсиз ёки чекланган интернет шароитида амалга оширилади ва давлат идоралари ахборот базаларига тўғридан-тўғри улаштириш мавжуд эмас. Шунинг учун маълумотлар автоматик равишда чиқмайди. Барча маълумотлар фуқаронинг ўзи айтган жавоблари асосида кўлда киритилади. Бу маълумотлар хавфсизлиги ва уларни тўғри йиғишни таъминлаш учун жорий этилган тартибдир.

— Бу жараёнда фуқаролар нима-ларга аҳамият беришлари лозим?

— Аввало, фуқаролардан хавфсизлик чораларига жиддий эътибор қаратишларини сўраб қолардик. Агар хонадонга келган рўйхатга олувчи шахсга нисбатан шубҳа туғилса, ундан хизмат гувоҳномасини (бейджик) кўрсатишни талаб қилиш лозим. Хизмат гувоҳномасида жойлаштирилган QR-код орқали регенератор (регистратор) ҳақидаги маълумотларни текшириш мумкин бўлиб, ушбу маълумотлар ягона электрон базага киритилган. Шунингдек, 1851 қисқа рақами орқали фаолият юритаётган CALL-марказга кўнгирак қилиб, регистратор тўғрисида кўшимча маълумот олиш мумкин.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ДАВОМ ЭТМОҚДА

лар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар GPS орқали кузатиб боришмоқда. Агар регистратор белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан, хонадонга бормасдан саволномани тўлдирса ёки маълумотларни асосиз киритса, бундай ҳолатлар ахборот тизими орқали автоматик аниқланади ва уларнинг планшетига огоҳлантириш юборилади.

— Иккинчи босқичда ҳам сертификат бериладими?

— Сертификат — Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор ўтказилаётган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишдек тарихий жараёнда иштирок этганингиз учун эсдалик, шунингдек, саволномани мустақил равишда онлайн тўлдирганингиз учун бериладиган рағбатлантириш эди. Рўйхатга олишнинг иккинчи босқичида эса саволнома фуқаронинг ўзи томонидан эмас, балки рўйхатга олувчи томонидан планшет қурилмаси орқали тўлдирилади. Жараён онлайн тарзда амалга оширилмайди. Шу сабабли ушбу босқичда тизим автоматик равишда сертификат шакллантирмайди. Яъни, иккинчи босқичда иштирок этган фуқароларга сертификат берилмайди.

— Биринчи босқичда маълумотлар ўзи чиқар эди, иккинчи босқичда ҳам шундайми?

— Биринчи босқичда фуқаролар саволномани ўзлари интернет орқали тўлдирган. Тизим OneID орқали давлат идоралари ахборот базалари билан интеграция қилинган ҳолда ишлагани боис фуқаронинг исми, фамилияси, туғилган санаси каби айрим маълумотлар автоматик тарзда чиқиб турар эди. Иккинчи босқичда эса саволнома рўйхатга олувчи томонидан планшет қурилмаси орқали тўлдирилади. Бу жа-

— Агар онлайн рўйхатдан ўтмаган фуқаро хонадонига келган регистраторларнинг саволига ҳам жавоб беришни истамасми?

— Агар саволнома тўлдирилмаса, улар яшаётган ҳудуд ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот тўпланмайди. Натияжада, келгусида мактаб, боғча, шифохона, йўл ёки қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш каби ишлар режалаштирилаётганда ҳақиқий эҳтиёжлар инobatта олинмай қолши мумкин. Шунинг учун, қайта ва қайта такрорлайман, рўйхатга олишда иштирок этиш ҳар бир фуқаро учун муҳим. Чунки ҳар бир тўғри ва ҳолис маълумот юртимиз тараққиётига, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

— Яқинда 60 мингга яқин аҳолининг шахсий маълумотлари даркнетга сизиб чиқди. Бу эса аҳолини анча хавотирга солди. Айтингчи, бугунги кунда маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун қандай ахборот тизимлари ишламоқда. Маълумотлар хавфсизлиги қароқатланадими?

— Рўйхатга олиш жараёнида йиғилаётган барча маълумотлар замонавий ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган махсус электрон тизимларда сақланмоқда. Маълумотлар шифрланади, унчинчи шахсларга узатишмайди ва солиқ, текширув ёки бошқа маъмурий мақсадларда қўлланилмайди. Улар фақат умумлаштирилган статистик таҳлил учун ишлатилади. Айни пайтда тизимларда кўшимча ҳимоя чоралари қўйилган, OneID орқали шахсий маълумотларнинг фақат эгасининг розилиги билан тақдим этиши ёки чеклаш имконияти жорий этилган.

“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Нозима РАСУЛОВА сўхбатлашди

▼ Назорат

Бугун бозор муносабатлари чуқурлашаётган, рақобат муҳити кенгаяётган шароитда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нафақат ижтимоий адолатни таъминлаш, балки соғлом рақобатни шакллантириш, тадбиркорлик муҳитини тартибга солиш ва аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зангиоталик Элдор Ша-рипов (исм-шарифи ўзгартирилган) ТВС банкдан олинган микроқарз учун ўтган йилнинг октябр ва ноябрь ойлари тўловларини олдиндан амалга оширган бўлсада, ноябрь ойи учун яна 1 млн. 632 минг сўм миқдорда маблағ картасидан ечиб олинган ҳамда қарздорлик учун пеня ҳам ҳисобланган. Элдор иккиланмасдан Рақобат тизимининг “Call-center”ига мурожаат қилди. Худудий бошқарма масъул ходимлари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида мурожаатчининг карта рақамига 1 млн. 620 минг сўм ва ҳисобланган пеня қайтарилди.

Хўш, бугунги кунда истеъмолчилар ҳуқуқлари қай даражада ҳимоя қилинмоқда? Маълумотларга қўра, Рақобатни ривожлантириш ва истеъ-

молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг вилоят худудий бошқармасига 2025 йилда 3 минг 552 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 85 фоизи қаноатлантирилган, 296 тасига тушунтириш берилган, 147 таси рад этилган, 40 таси бўйича ўрганишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, бошқарма томонидан туман ва шаҳарларда мунтазам равишда сайёр қабуллар ўтказилиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ўрганилмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган ўрганиш-таҳлиллар натижасида жами 27 млрд. 755, 7 млн. сўм истеъ-

ИСТЕЪМОЛЧИ РОЗИМИ?

молчиларга қайта ҳисоб-китоб қилинган. Жумладан, Бўстонлик ва Қўбрай туманлари аҳолисига хизмат кўрсатаётган “Раҳнамо сервис” МЧЖ томонидан тегишли маблағлар 15 минг 177 нафар истеъмолчи-га, Паркент, Юқори Чирчиқ туманлари ва Ангрэн шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатаётган

“ZERO-WASTE” МЧЖ томонидан тегишли маблағлар 37 минг 236 та истеъмолчига қайта ҳисобланган.

Яқинда Нурафшон шаҳрида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг вилоят худудий бошқармаси томонидан ўтган давр мо-

байнида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда соҳа мутахассислари ҳамда ОАВлари вакиллари иштирок эттишти.

Қайд этилганидек, худуддаги жами 49 та корхонанинг юқори ликвидли маҳсулотларини биржа савдоларига қўйиши ва сотиши бўйича кунлик назорат ўрнатилган. Бугунга қадар жами 37 та товар (иш, хизматлар) бозорларида ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилиб, натижалари бўйича таклифлар кўмитага киритилган. Бошқарма томонидан 1 минг 339 та давлат хариди ўрганилди. Шу асосида қонунчилик талаблари ҳолатлари



юзасидан 768 та харид бўйича жами 96 та иш кўзга тутилган. Шунингдек, вилоятимиздаги ташқи реклама ва ташқи тарғибот воситаларини мониторинг қилиш натижасида 85 та хўжалик юритувчи субъектга қонунбузарлик ҳолатларини барта-раф этиш юзасидан кўрсатмалар берилиб, бу йўналишда қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 6,2 миллиард сўм миқдордаги молиявий жарималар ундирилди.

— Ижтимоий тармоқлар орқали олиб борилган ўрганишлар давомида “jasjan_new”, “amixan_uzbek”, “sevinchka_0000”, “Ruzmatova_uttaguzal”, “Hojiakbar_ku” номи остида фаолият юритадиган блогерларга нисбатан ўз саҳифаларида қимор ва таваккалчиликка асосланган рекламаларни жойлаштириши сабабли “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 46-моддасига асосан маъмурий баённомалар тузилди, — дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Тошкент вилояти худудий бошқармаси бўлим бошлиғи Муроджон Умаров. — Шу билан бирга,

“Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга оид хизматларни махсус лицензияга эга бўлмасдан амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига тегишли чоралар қўрилди.

Келтирилган рақам ва ми-соплар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими амалда ишлаётганини кўрсатади. Биргина мурожаат ортидан миллионлаб сўм маблағнинг қайтарилиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва давлат органларининг тежор аралашуви қандай самара бераётганини кўрсатади. Минглаб мурожаатларнинг қаноатлантирилиши, миллиардлаб сўм маблағларнинг қайта ҳисобланиши эса бу йўналишдаги ишлар тизимли тус олганидан далolat беради.

Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини, унинг ҳуқуқ ва манфаати турганини унутмасдан, бу борадаги савий-ҳаракатларни ички дуню эътирилиши бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Муаллиф олаан сурат

Экранга чиқишдан олдин айримлардан шу мавзуда биронта китоб ўқиган-ўқимаганини сўраш жоиз эмасми? Эҳтимол, мавзу дилга яқиндир, ammo бу хол нима тўғри келса гапираверишга изн бермайди...

▼ Мулоҳаза

Асрлар чархиди сайқалланган қадриятларимизда ҳар бир ҳаракатнинг меъёрлари қатъий белгилаб қўйилган. Ҳатто меҳмоннинг қўлига неча томчи сув қуйиш оstonага қайси оёқ билан қадам босишга шаклланган одоби бор. Бу ҳол фақат маиший ҳаётимизда эмас, турмушнинг барча жабҳасида қатъий жорий бўлган. Бу фазилатлар мустақиллик йилларида яна ҳам ривож топди, асл миллий жиловлар билан боийди. Жумладан, тарихимизга ҳаққоний баҳо берилаётгани кўплаб қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини янада юксалтирди.

Истиқлолнинг муҳташам адолатларидан бири Соҳибқирон Амир Темур ва теурийлар меросининг халқимиз маданий мулкига айлангани бўлди. Энди бу жабҳада улкан изланишлар олиб борилмоқда, тадқиқотларнинг чегараси ҳам, кўлами ҳам кенгайди. Албатта, ҳар қандай соҳадаги эркинлик исталганча ва тартибсиз хатти-ҳаракат эмас, балки биринчи навбатда масъулиятдир. Билъакс, халқ мақолида айтилганидек, "Қош қўман деб кўз чиқариб қўйиш" ёки моторни сочиб ташлаб, қайта йиғилмасликдек ҳолат рўй бериши мумкин. Афсуски, баъзан шундай ҳоллар ҳам кўзга ташланяпти. Мулоҳазалар шу хусусда...

Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан республика телевидениесиди "Ўзбекистон тарихи" телеканалининг ташкил этилиши айни мuddао бўлди. Телеканал қисқа мuddатда жамоатчиликнинг қадрдон суҳбатдошига, маърифат минбарига айланди.

Яқинда илк туркий ёзма манбалар мавзусида чиройли кўрсатув эфирга узатилди. Иштирокчилар соҳанинг етук мухассислари эканликларини намойиш этишди. Бир сопол парчасида ёки тоғ қоясида сақланиб қолган чирик шунчалар маъно ташишини билган томошабинлар ҳам мазмунли олимликнинг захматини тасавур қилишди, ҳам қанчалик бой тарихга эга эканлигимизни ҳис этишди.

Ғайбулла Бобоёров, Жўра Худойбердиев, Феруза Жуманиёзова ва бошқаларнинг мулоҳазалари давомида дунё саҳнида илмий вакилларимиз борлигидан фахрланиб ўтирдик. Албатта, бундай муваффақиятли кўрсатувлар етарли. Айниқса, ер ости синаотларини кашф этиб, дунё тамаддуни, ҳатто кекса оламнинг ёшига таҳрир қиратётган археология ҳақидаги туркум кўрсатувлар чинакам кашфиёт бўляпти. Ҳақиқатан, олтин хазинамиз ҳамон ёмби шаклида тупроқлар остида яшириниб ётган экан.

Шунингдек, тарихимизнинг шонли саҳифалари ҳисобланган Иккинчи Ренессанс даврига доир кўрсатувлар яна ҳам қизиқарли ва диққатталаб бўлаётгани сир эмас, чунки асрлар давомида ёлгон гаплар билан қийиш шаклланган тафаккур ва дунёқараш ҳар бир чиқишдан ўз маърифатини янгилаб бораётгани, баъ-



зи хато қарашларни тўғрилаб олаётгани бор гап.

Шундай экан, телеканал жамоаси мазкур ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар бир кўрсатувга юксак масъулият билан ёндашиши ҳам қарз, ҳам фарз. Негаки, зангори экранни юз минглаб одамлар кўради ва ундаги арзимас хато ёки камчилик шаклланаётгани тўғри тасавурларни чалкаштириб юбориши, унинг ўрни эса беқиёс бўлиши мумкин.

Ҳолбуки, баъзан чиқишларда бундай талабчанлик тўла маънода кўзга ташланмаяпти. Балки бундай мўътадиллик одамларни эркин фикрлашга ўргатиш, экран босимини юмшатиш учун қилинаётгандир. Бу ҳолни тўғри тушунамиз, юртдошларимиз асрлар давомида бир хилда фикрлаб, худди инкубатор жўжаларига ўхшаб қолган эди: фақат "жип-жип..." Ammo шундай шaroитда ҳам жамоатчиликни чалғитишга йўл қўйиб бўлмайди. Истисно тариқасида шундай меъёрни қўллаш лозимки, баҳс-мунозаралар охирида тарих ҳақиқати юзасидан чиқарилган хулосалар, тўхтамлар алоҳида таъкидлаб ўтилиши лозим.

Айрим ҳолларда эса фикрлар муаллақ қилиб кетади (гўё "баҳс-мунозара – баҳс-мунозара учун" дегандек) ёки ҳатто мактаб ўқувчисига ҳам аён бўлган тарихий далиллар чалкаш талқин қилиняпти ва кўрсатувлар шу ҳолда ҳеч қандай тўсиқсиз эфирга кетяпти. Бундай айтганда тарихий адолатни излаш, уни топиш ўрнига унинг атрофида қандайдир янги афсоналар пайдо бўляпти.

Бу ҳолни тарихий шахсларнинг номларини тўғри айтишдан бошлаб матбуотда танқид қилинган камчиликларни яна қайта-қайта такрорланаётганига санаб ўтиш мумкин.

Яқинда Самарқанддаги Амир Темур хилхонаси ҳақида кўрсатув берилди (муаллиф Абдулла Мамасодиқов, бадиий раҳбар Алишер Шойимов). Кўрсатув муаллифнинг изланувчанлиги, янги далилларга ургу бериши ва яна бошқа фазилатлари билан муваффақиятли чиққан, ammo унда кечириб бўлмас, ўтказиб юбориш хато ҳисобланадиган ўринлар ҳам бор.

Гап шундаки, бу масканнинг пайдо бўлиши ҳақида жуда кўплаб маълумотлар мавжуд, турли далиллар матбуотда эълон қилинган. Унинг тақдири, шу ҳолга келиши, кейинги муносабатлар жуда аянчли тарихдан сўзлайди. Шуларни ҳисобга олганда, "Нега олдин Гўри-мур дейилган-у, кейин нима учун "Гўри Амир"га айланган, бу атама-

бундай муносабат эса умуман нотўғри. Утмиш хатоларини тўғрилаб бўлмайдилар, улардан ибрат олинади

Балки ҳар бир маърифатли одам ўзини ватан тарихига дахлдор ҳисоблаганидек, тарих илмининг билимдони ҳам ҳисоблаши мумкин. Бу ўринда оддий "чойхона гурунги" билан миллионлаган аудитория қаршисида чиқишни фарқлай олиш шарт. Махсус маълумоти бўлмаган, аксинча, икки-уч марта судланган бир одам ўз "илми"ни намойиш этиб, "Хитой юришига Амир Темур ўзи бормаслиги керак эди, ўғилларидан бирини бош қилиб жўнатиши керак эди", деб такрорлашдан чарчамасди. Бир қарашда мантиқли гап, ўша вазиятда ёши ҳам бир жойга бориб қолган, бунинг устига киши кун... Ammo ҳар қандай тафаккур ҳам илғай олмайдиган сир-синаотлар бор, воқеаларнинг ўша муҳитдаги мантиғи бор, бу ҳолларни бугун чамалаб ҳам, танқид қилиб ҳам бўлмайди. Ҳолбуки, бир неча юз йиллар олдин ёзилган "Махмуи фи аҳком ан-нужум" ("Юлдузлар ҳукми асрори") китобида учинчи Соҳибқироннинг умри 69 йил бўлади, тарзида ёзиб қўйилган бўлса, бу ҳолни қандай изоҳлаш лозим бўлади?

Тарихдан хато қидириш худди оқиб кетган тўлиқни қайтаришга, унинг изидан тош титишга ўхшайди. Шу маънода баъзи эътирозлар тилга олинганда ман-

кўз қароғида ардоқлаб юргани Муҳаммад Султон вафот этганига бир ярим йил ўтиб, Хитой сафари бошланади ва кўп нарсалар шу юришнинг натижасига боғлиқ эди. Афсуски, тақдир бошқа манзарани кўрсатди. Бахтга қарши ўша тахликали кунларда Теурийларнинг энг ёши улуғи Пирмуҳаммад Мирзо Ҳиндистон худудларида эди...

"Топилма"лардан бири "Халил Султоннинг Ҳиндистон юришига жалб этилмагани" бўляпти. Бу даъвонинг қанчалик тўғри экани китоб ўқиганларга маълум... "10 та факт" ролигида қайта-қайта "Хусайн Бойқаро" деб такрорланади. Ҳолбуки, унинг исми "Султон Ҳусайн Мирзо" шаклида қўлланиши лозим. Бундай хатолар кўп ва бу эски касаллик. Ҳамма севиб томоша қиладиган "Алишер Навоий" фильмида гап Едгор Мирзо ва Мўмин Мирзо атрофида айланади. Ҳолбуки, уларнинг бири вафот этиб кетганида иккинчиси туғилмаган ҳам эди!

Бир истисно ҳолат кўзга ташланади: Теурийлар даври билан бир оз таниш бўлган киши бирдан нимадир ёзишга жазм қилиб қолади (ҳолбуки, бир пайтлар тарих институтидан бирор илмий ходим бу мавзуда ёзишга журъат қила олмаган, оқибатда, файласуф олим Иброҳим Мўминов бу вазифани зиммасига олган). Ҳатто "темирчи" деган кино ҳам пайдо бўлган. Бугун "Ўзбекистон тарихи" телеканалини кузатиб туриб ҳам шундай ҳолга гувоҳ бўлиш мумкин: кимлардандир эшитган пойинтар-сойинтар мулоҳазалар учраб туради. Ушундай ишқибозлардан экранга чиқишдан олдин шу мавзуда биронта китоб ўқиган-ўқимаганини сўраш жоиз эмасми? Эҳтимол, ушбу мавзу дилга яқиндир, ammo бу хол нима тўғри келса гапираверишга изн бермайди.

Илмий далилни ифода этишининг ўз қоидалари мавжуд. Мавзу билан саёз танишилган, ўша давр руҳини ҳис қилишгача борилмагани гап оҳангидан шундоққина билиниб туради. "Теуир" дейишдади чўлтоқ қилиб, яна кибр аломати билиниб туради. Мабодо бу зотнинг ташвишларга тўла ҳаёти, миллат олдидаги хизматлари, инсоният тамаддунига қўшган ҳиссаси бир чимдим ҳис қилинганда бундай бепишандлик сезилмас эди. Ёки шонли тарихимиздан фахрланиш ҳисси бўлганда ҳам бундай совуққон муносабат кузатилмади. Ахир киши ўз отаси ҳақида дейлик "Менинг отам Тошқул..." тарзида меҳрсиз сўзламайди-ку! Тўғри, кўпчиликка бирор гапни синдириш қийин, "Ўз меҳрининг истаганча ихор қилавер, мени тинч қўй" дейиши тайин. Ammo халқнинг, миллатнинг сажда қиладиган, уни бирлаштирадиган, бир мушт қиладиган қадриятлари бўлади. Биз дўппи ёки тўнни қадрият билмас, лекин нега дунё тан олиб турган бир улуг Зотга меҳримизни дариг тутамиз? Бу ҳол маърифатсизликдан, китоб ўқимасликдан пайдо бўлган иллат...

Юксакликлар бир-биридан баландга чорлайверади. Биз забот этган чўқий бизнинг мулкимиз. Юксакликларга интилаверайлик ва жами одамзод кўз тиккан чўқийларга ҳурматимизни дариг тутмайлик. Шунда улар ўзига чорлайди, сирларини ошкор этади...

ҲАКИМ САТТОРИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



ларнинг қай бири тўғри сингари кўпчиликнинг тили унда турган саволларга биринчи ўринда жавоб бериб ўтиш лозим эди.

Кейин эса "Пойдевори очик қолган бино нимага мўлжалланганди, бу шаҳзода Муҳаммад Султон Мирзога не қадар алоқадор?" сингари энг муҳим саволларга жавоб берилиши талаб қилинади. Буларнинг ўрнига кўрсатувда "Муҳаммад Султон Пирмуҳаммад Мирзонинг тўнғич ўғли", "Шоҳрух Мирзо пойтахтни Ҳиротга кўчириб хато қилган...", "Халил Султон апил-тапил дафн қилди" сингари мавзуга дахли бўлмаган маълумотлар келтирилади. Албатта, суҳбатдош камера қаршисида ҳаяжонланиб, баъзан озгина тўғри келган гапларни айтиб юбориши мумкин, ammo уни эфирга узатишдаги масъулиятни ким зиммасига олади?

Умуман, кейинги пайтда тарихий шахслар фаолиятдан хато излаш тенденцияси кучайиб кетяпти. Гўё бугунги муаммолар учун улар айбдор, мабодо хато қилмаганларида биз Япония ёки Корея даражасида бўлардик. Тарихга

тиққа асосланиши, ҳеч бўлмаса, тарихий хронологияни ёдда тутган ҳолда фикр юриштиш лозим бўлади. Масалан, "катта хато" деб баҳоланаётган пойтахтнинг Ҳиротга кўчирилиши қандай рўй берганди? Аввало, пойтахт кўчирилмаган, мамлакат худудлари кенгайгач, иккинчи марказ юзюга келган. Шоҳрух Мирзо 1394 йил 17 сентябрда отаси Соҳибқирон томонидан ҳоким этиб тайинланади, бундан олдин ҳам Ҳиротнинг мавқеи салтанатда, умуман, тарихда баланд эди (бу қалъа-шаҳар мўғулларга ҳам бўйсунмаган). Шоҳрух Мирзонинг 50 йиллик ҳукмронлик замониди яна ҳам юксалган, лекин бу хол Самарқанднинг мавқеига соя солмаган. Бу ўринда хато қаерда? Тушуниб бўлмайди.

Ёки бир тадқиқотчи "Шоҳрух тахтга ўтиргач, яхши ишлаб турган мулозимларни бўшатиб, ўз қариндошларини қўйди (!)" деб фикр билдирияпти. Бу гапнинг на боши, на адоғи бор. Худди шундай муаллақ мулоҳазалардан бири "Амир Теурийнинг тахт вориси тайёрлмагани" ҳақида бўляпти. Масалаларни бу ҳолда қўйиш бир ёқламаликдан иборат эмасми? Ахир

ЭНЕРГИЯ НАЗОРАТИ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

▼ Сарҳисоб

Энергия таъминоти барқарорлиги – худуд иқтисодиёти ривож, корхоналар узлуқсиз ишлаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Айниқса, куз-қиш мавсумида ёқилғи-энергетика тармоғидаги ҳар бир узилиш ёки камчилик минглаб хонадонлар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис бу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, ҳисоб-китоб ва интизомни кучайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айланган.

сўм, электр энергияси бўйича 70,8 млрд. сўм қарздорлик ихтиёрий ундирилди, қолган қарзларни ундириш учун минглаб даъво аризалари судларга жўнатилди.

Бундан ташқари, энергия тежамкорлик йўналишида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, худудларда қуёш панеллари ва гелиоколлекторлар ўрнатилди, 777 та трансформатор пункти ҳамда 26 минг километрдан зиёд электр тармоқлари модернизация қилинди ҳамда юзлаб реактив компенсаторлар жорий этилди. Бунинг натижасида 354,6 млн. кВт/соат электр энергияси иқтисод қилиниб, белгиланган режа 116 фоизга бажарилди.

Табиий газ истеъмолида ҳам сезиларли натижалар қайд этилди. Хусусан, 39 мингта хонадон икки босқичли тизимга ўтказилди, 6 минг 821 та газ тақсимлаш пунктлари ҳамда 31,4 км. газ тармоғи модернизация қилинди ва таъмирланди, 38 мингта ностандарт газ ускуналари энергия тежамкор жиҳозларга алмаштирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар орқали 158,5 млн. метр куб. газ тежалди ва белгиланган режа 167,4 фоизга бажарилди. Хатловлар давомида яна

81,5 минг метр куб. қўшимча тежамкорлик манбалари аниқланди.

Шунингдек, "Худудгаз Тошкент" АЖ томонидан аҳолини суьюттирилган газ билан узлуқсиз таъминлаш мақсадида аниқ режа асосида ишлар ташкил этилди. Жумладан, 2025 йил октябридан 2026 йил март ойигача бўлган даврда жами 2,7 минг тонна суьюттирилган газ этказиб бериш режалаштирилиб, шундан 1 минг 350 тонна куз-қишнинг дастлабки ойларида, қолган қисми эса жорий йилда аҳоли эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Газ тўлдириш шаҳобчалари фаолият тўлиқ назоратга олинди, маиший газ баллонлари 18 та ISUZU, 4 та "Газель" ва махсус йўлтанламас автотранспорт воситалари орқали 35-40 кунлик график асосида хонадонларга этказиб берилмоқда. Барча жараёнларда ёнги ва техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш, логистика узлуқсизлигини таъминлаш ҳамда истеъмолчилар муурожаатларини тезкор ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Энергия тежамкорлик ва модернизация ишлари билан бир қаторда тармоқда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, ре-

сурсларнинг ноқонуний сарфланишига чек қўйиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Прокурор назорати" доирасида ўтказилган рейд ва ўрганишлар давомида энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш бўйича 10 мингдан ортқ ҳолат аниқланиб, 122,9 млрд. сўмлик зарар қайд этилди. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, минглаб шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда этказилган зарарнинг катта қисми ундирилди. Бу эса тармоқда интизомни кучайтириш, йўқотишларни қисқартириш ва ҳалол истеъмол муҳитини шакллантиришга хизмат қилди.

Дарвоқе, бугун мамлакатимизда "яшил" энергетика тизimini ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланган. Биргина ўтган йил мисолида айтадиган бўлсак, виллоятда умумий қиймати 4,2 миллиард долларлик 3,5 минг мегаваттли янги "яшил" қувватлар қурилишига старт берилди. Бу жараёнлар орқали жорий йилда 7 миллиард куб. метр табиий газ тежаллиши режалаштирилмоқда.

Умуман олганда, яқунланган йилда прокуратура ходимлари томонидан амалга оширилган тизимли ишлар тармоқда интизомни мустаҳкамлаб, қарздорликни қисқартириш, тежамкорликни ошириш ва аҳолини барқарор энергия таъминоти билан таъминлашга хизмат қилди. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар ҳар бир хонадондаги ёруғлик ва иссиқлик, ҳар бир корхонадаги узлуқсиз иш жараёнида ўз ифодасини топмоқда.

БЕҲЗОД ЖЎРАЕВ,
журналист

Таъкидлаш лозимки, ортда қолган 2025 йил давомида Тошкент виллояти прокуратураси бу йўналишда қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, тармоққа маъсул бўлишга томонидан 9 та текширув ва 19 та таҳлилий ўрганиш ўтказилиб, қонунбузарликлар юзасидан 208 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилди. Шу билан бирга, аниқланган ҳолатлар бўйича 14 та тақдимнома киритилиб, 88 нафар шахс интизомий, 33 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди, 122 нафар мансабдор оғоҳлантирилди, қонунга зид ҳужжатларга 2 та протест келтирилди, жиддий ҳолатлар бўйича 37 та жиноят иши

қўзғатилди ҳамда 106 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланди. Бугун виллоятда қарийб 800 минг истеъмолчи электр ва газ таъминотида фойдаланади. Уларни энергия манбалари билан доимий таъминлаш учун минглаб подстанция ва трансформаторлар, ўн минглаб километр тармоқлар узлуқсиз ишлаши керак. Бундай улкан ҳўжаликни назоратсиз тасаввур этиш қийин. Шу боис ҳисоб-китобни рақамлаштириш, дебитор қарздорликни қисқартириш ва ноқонуний истеъмолга чек қўйиш чоралари изчил амалга оширилди. Натижада табиий газ бўйича 83,4 млрд.

Динимизда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, айниқса, қавм-қариндошлик алоқалари алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундай муносабатларни тартибга солиувчи асосий ахлоқий таълимийлардан бири силаи-рахм ҳисобланади. Рамазон силаи-рахми янада мустақамлаш ойдир.

▼ Рамазон туҳфаси

Силаи-рахм фақат қариндошлик муносабатларини сақлаш билан чекланмайди, балки жамиятда ўзаро ишонч, ҳурмат ва масъулиятни шакллантирувчи муҳим ахлоқий мезон сифатида намоён бўлади. Динимизда қариндошлик алоқалари фаол бўлиши, яъни ҳол-аҳвол сўраш, улардан хабар олиб туриш, қийин кунларида ёрдам бериш орқали амалий тарзда ифодаланиши лозимлиги таъкидланади. Қариндошлик насаб билан белгиланса-да, унинг ҳақиқий қиймати муносабат орқали, яъни қариндошлик билан намоён бўлади.

Қуръон ва ҳадисларда силаи-рахмининг диний-ахлоқий аҳамияти кенг ёритилган. У инсоннинг ибодат ҳаёти билан узвий боғланган амал сифатида талқин қилинади. Аллоҳ таолога ихлос ила ибодат қилиш билан бир қаторда, қариндош-уруғлар билан алоқани сақлаш жаннатга киришга сабаб бўладиган амаллар қаторида зикр этилади. Бу ҳолат исломда ибодат ва ижтимоий масъулият ўртасида мувозанат мавжуд эканини кўрсатади. Қуръони Каримда бундай келган: "Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам) ларга ҳам (яхшилик қилингиз!) Албатта,

Аллоҳ кибри билан мақтанчоқ кишиларни севмайди" (Нисо сураси, 36-оят). Бу оят ибодат ва ижтимоий масъулият ўртасидаги узвий боғлиқликини ифодаб, силаи-рахми Аллоҳга бўлган ихлоснинг амалий натижаси сифатида намоён қилади.

Динимизда қариндошлар билан алоқани мустақамлаш ризқнинг кенгайиши ва умр-

ахлоқда юксак фазилат сифатида баҳоланади. Чунки ҳақиқий ахлоқий камолот яхшиликка яхшилик билан жавоб беришда эмас, балки ёмонликка яхшилик билан муносабатда бўлишда намоён бўлади.

Мужаммиъ ибн Яҳё бир кишидан ривоят қилади: «Бир одам: "Эй Аллоҳнинг Расули, қариндошларим менга қарамай қўйишди ва алоқаларини узишди. Мен ҳам улар қарамай қўйганларим каби қарамай қўйганим ва алоқаларини узганларим каби алоқаларини узиб қўйганим?" деди. "Агар шундай қилсанг, Аллоҳ барчангиздан юз ўтиради. Агар сен алоқани давом эттиравсанг ва улар узса, уларнинг зиддага сен билан бирга Аллоҳдан бир ёрдамчи бўлади", дедилар». (Имом Муслим ривояти).

ҳақиқий қариндошлик алоқасини тутиб турадиган киши ҳисобланади.

Қариндошлик алоқаларини узиш динимизда қораланган. Бу ҳолат жамиятда ишонч ва барқарорликка раҳна солувчи омил сифатида бўлилади. Набийимиз алайҳиссалом бундай марҳамат қилганлар: "Жаннатга қариндошлик алоқаларини узувчи киши кирмайди" (Имом Муслим ривояти). Уламолар таъкидлаганларки, бу ҳадисдаги таҳдид ахлоқий жиноятнинг оғирлигини ифода этади. Яъни бу ерда гап яқка шахснинг ҳиссий муаммосида эмас, балки ижтимоий тизимни

МУҲИМ АХЛОҚИЙ МЕЗОН

нинг баракали бўлишига сабаб экани қайд этилади. Пайгамбаримиз алайҳиссалом бундай марҳамат қилганлар: "Ким ризқининг кенгайишини ва умрининг узайишини истаса, қариндошлик алоқаларини боғлаб турсин (силаи-рахм қилсин)" (Имом Бухорий ривояти).

Бу ерда "умрнинг узайиши" микдорий эмас, балки мазмунан баракали, фойдали ҳаёт кечирish маъносиди ҳам тушунилади. Инсон дунёга келмасидан олдин, ҳали она қорнида эканида умри ва ризқи қанчалиги тақдирга ёзилган. Силаи-рахм орқали ўша ёзилган умри, ризқи барокотли бўлади. Демак, силаи-рахм инсон ҳаётининг сифатига ижобий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Айниқса, узоклашиб кетган қариндошлар билан муносабатларни қайта тиклаш ислом

Шу сабабли динимиз таълимотида қариндошлар томонидан ноҳақлик қилинган тақдирда ҳам алоқани узмаслик, сабр ва ҳикмат билан муносабатда бўлиш тавсия этилади.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай келган: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Раҳм Арша осилиб туради. Қилганига яраша қайтарган киши силаи-рахм қилувчи эмас. Ҳақиқий силаи-рахм қилувчи қариндошлик алоқалари кесилганда ҳам силаи-рахм қилувчи кишидир", дедилар» (Имом Бухорий ривояти). Демак, раҳм қилишнинг мақоми шундай улғу эканидан у Арша осилиб тураркан. Қариндошлик алоқасини мустақам қилувчи одам "бор товоғим, кел товоғим" тарзида бўлади демайди. Балки қариндошлари алоқани узса ҳам, уларни қариндош сифатида ҳурмат қилаверган киши

емирувчи хатти-ҳаракат ҳақида бормоқда. Қариндошлик ришталарининг узилиши жамиятда ишончнинг сусайишига олиб келади. Силаи-рахм нафақат шахсий фазилат, балки ижтимоий барқарорлик омили сифатида талқин қилинишини кўрсатади. Қариндошлар билан муносабатни сақлаш орқали инсон ўз ахлоқини тарбиялайди, жамиятда эса ўзаро ишонч ва тотувлик мустақамланади. Муносабатларда айб излашни эмас, балки яхшиликни устувор қўйиб, кечиримли ва мурувватли бўлишни асосий қоида қилиб олишимиз керак. Зеро, бундай муносабат инсон қалбида меҳр-оқибатни кучайтиради, жамиятда эса ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматнинг мустақамланишига сабаб бўлади.

Шокиржон ИМОМИДДИНОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани бош имоми



Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Zikrilla MUHAMMAD

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti - 20:00.

Bosishga topshirildi - 19:20.

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-235.

8 410 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taqob. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tahir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Миллий либос - ўзликка хос

Дарҳақиқат, юртимиз кўчаларида миллий нақшлар билан безатилган чопон, камзул, турли бош кийимларида юрган ўғил-қизлар кўпаймоқда. Бу эса қадриятларимиз узвий давом этиб, янги авлод онгида миллий гурур, Ватанга муҳаббат ва тарихга ҳурмат туйғуларини шакллантиришдан далолат беради. Зеро, миллий либос - бу фақат гўзаллик эмас, маънавий тарбиянинг муҳим воситасидир.

Тошкент туманининг "Истиқбол" маҳалласида фаолият юритаётган "Sayf sars" оилавий корхонасида 7 йилдан буён миллий услубдаги бош кийимлар - кепка, панам ва шляпалар ишлаб чиқарилади.

Эътиборлиси, бу бош кийимлар миллий мато ва нақшлар билан безатилгани билан ажралиб туради. Дастлаб бодом ва анор гули нақшларидан фойдаланилган бўлса, бугунги кунда турли миллий безаклар ҳам қўлланилмоқда. Бу йўналишни танлашдан олдин тадбиркор бозорни ўрганиб, маҳсулотларни таҳлил қилган. Натижада, оддий матодан тикилган бош кийимларга миллий рўх бериш гоёси тугилади.

Корхона раҳбари Сайфулла Абдуллаев 2002 йилдан бери тикувчилик билан шуғулланади. Илк фаолиятини бюртма асосида турли либослар тикишдан бошлаган.

Бугунги кунда корхона маҳсулотларининг 60-70 фоизи чет давлатларга "экспорт қилинади". Қандай дейсизми? Жавоби оддий - Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар уларни харид қилиб, ўз юртига олиб кетадилар. Айниқса, маҳсулотимизга Қозғистон, Тожикистон давлатларида талаб юқори. Шу кунларда туркиялик ишбилармонлар ҳам соҳил бўйида кийишга мўлжалланган бош кийимга қизиқиш билдиришмоқда.

20 нафар ишчи меҳнат қиладиган корхонада кунига 500 донагача бош кийим тайёрланади. Ишлаб чиқариш бурчимиз 80 фоизи қўл меҳнати билан бажарилади. Пойтахтнинг Олмазор туманидаги филиалида эса махсус ускуналар ёрдамида бюртма нақш берилди. Маҳсулот тайёр ҳолга келгунига қадар нақш чизиш, бичиш, тикиш ва махсус

ишлов бериш босқичларидан ўтади.

Мазкур корхона республикада биринчи бўлиб маркетплейс платформалари орқали онлайн савдонини йўлга қўйган. Бунинг учун тадбиркор махсус ўқув курсини тугатиб, замонавий савдо усулларини амалиётга жорий этди. Натижада корхонанинг онлайн магазини Uzum маркет платформасига жойлаштирилди.

- Бу гоё устида анча изландим, - дейди Сайфулла Абдуллаев. - Бозорда миллий нақшли бош кийимларга эҳтиёж борлигини англамасам-да, уни қандай шакл ва дизайнда тақдим этишни билмасдим. Аммо бир нарсга ишончим комил эди: миллийлик урулган маҳсулот, албатта, ўз харидорини топади. Шу ишонч бизни тўғри йўналтирди. Эндиликда маҳсулотларимизга бўлган қизиқиш нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам тобора ортмоқда. Савдо ҳажми кўпайгани

сари янада масъулият билан ишляпимиз. Дарвоқе, турли ташиқлотлардан махсус бюртмалар тушаётгани эса меҳнатимиз эътироф этилаётганидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий либос ва буюмларимиз нафақат тўй ва маросимларда, балки кундалик ҳаётда ҳам ўз ўрнига эга бўлиши керак. Уларни асраш, ривожлантириш ва янги авлодга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шу йўлда фидокорона меҳнат қиладиган тадбиркорлар эса миллий қадриятларимизнинг ҳақиқий тарғибчиларидир.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

Дангасалик шунчалар имил-



Муборак ой баракаси

Муборак Рамазон ойи муносабати билан Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ташаббус давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси доирасида амалга оширилмоқда.

▼ Ярмарка

- Бозоримизда ярмаркалар доимий тарзда ишламоқда, - дейди "Ohangaron dehqon

bozori" МЧЖ раҳбари Хусан Каримов. - Нархларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсади-



да фермер хўжалиқлари билан шартномалар тузилган ва улар маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб беришларида ҳеч қандай муаммо йўқ. Шунингдек, Оҳангарон шаҳридаги 16 та маҳаллада жадвал асосида кўчма ярмаркалар ташкил этилмоқда.

Ярмаркаларда кундалик рўзгорда ишлатиладиган гўшт, ун, гуруч, картошка, сабзи, пиёз, турли мевалар ҳамда бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бозор нархларига нисбатан анча арзон ва ҳамёнбон нархларда тақлиф этилмоқда. Бу эса Рамазон ойида рўздорлар дастурхонининг тўқин бўлишига хизмат қилмоқда.

- Рўзгоримизга керакли барча маҳсулотлар ярмаркаларда мавжуд ва нархлари ҳам анча арзон, - дейди Тошкент туманилик Гулноза Музафарова. - Рамазон ойига шу ердан бозорлик қилаямиз. Бу аҳолига анча енгиллик яратмоқда. Бунинг учун Президентимиз ҳамда мутасаддиларга раҳмат.

Айтиш жоизки, арзонлаштирилган ярмаркалар Рамазон ойида узлуксиз давом этади.

Ўз муҳбиримиз

Донолар дейдиларки...

Ажойиб дунёда яшаймиз. Йўқсиллар овқат илинжида километрлаб йўл босишмоқда. Бойлар эса ўша овқатни ҳазм қилиш учун шунча юришмоқда.

Нельсон Мандела
Инсон уяла оладиган ягона жонзотдир. Ва фақат у ҳақиқатда уялишга арзийдиган ишлар қилади.

Марк Твен

Дангасалик шунчалар имил-

лаб ҳаракат қиладики, камбағаллик унга тезда етиб олади.

Бенжамин Франклин

Мен доим инсонларнинг яхши тарафини қидираман. Ёмон тарафларини эса уларнинг ўзлари кўрсатишади.

В.Висоцкий

Ақлли одам балки фикрини ўзгартириши мумкин, ахлоқ ҳақида эса фикрида қолади.

Иммануил Кант

Агар сизни кетганингизни ҳеч ким пайқамаса, демак, кетиб тўғри қилибсиз!

* Ақлли кишилар гоҳида ахлоқлик қилиб қўйишади, ахлоқлар эса доимо "ақллилик" қилишади.

Лев Толстой

Одамзоднинг энг катта фожиаси умуман ўлмайдигандек яшаб, умуман яшамагандек ўлиши.

Умар Ҳайём